



Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan 2002 yil 3 may juma № 17 (356) sotuvda erkin narxda

• Тарихий хотираси бор инсон — продали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар кил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустақкамлайди.

Ислом КАРИМОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Сессияда Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугун сессия кун тартибига қўйилган асосий масалага ўтишдан олдин, деди давлатимиз раҳбари, аввало Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳақида, ана шу оқсоқликларнинг негизда турган сабаблар ва ҳолатлар тўғрисида алоҳида фикр алмашиб олсак.



Президент қорақалпоқ халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, иқтидорли ёшларни замонвий касбларга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик ва ўрта бизнесни ривож-

лантириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан эканлигини қайд этди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Темир Камолов ўз аризасига биноан Жўқорғи Кенгес раисини вазифасидан озод этилди.



Президент Ислом Каримов ушбу лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Муса Ернуров номзодини тақдир этди.

Депутатлар яширин овоз бериш йўли билан М.Ернуровни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси этиб сайлади.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғис-

тон бўлими раиси Т.Ешанов, Хўжайли тумани ҳокими Т.Уснидинов, Бегуний тумани Абай номидаги ижара хўжалиги раиси Д.Работова, «Ўзбекистон темир йўллари» миллий компанияси Оролбўйи бўлими бошлиғи Т.Темирбаев ва бошқалар Президентимиз нутқида ўртага қўйилган вазифаларни бажариш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш барчанинг бурчи эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Нукус ва Хўжайли шаҳарлари йўлида бунёд этилган улкан кўприкни қўздан кеңирди, замонавий услубда барпо этилган ушбу иншоотнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ


2002 йил 30 апрель кунини Конрад Аденауэр жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари ва Европа парламенти аъзоларининг халқаро конференциясини ўтказди. Конференцияда Ўзбекистон ва Европа Парламенти аъзолари, Ўзбек ва немис сиёсатчилари, сиёсий партия вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А. Азизхўжаев очиб, конференция ишига муваффақиятлар тиллади. — Мазкур конференция мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим ва долзарб масала ва мавзуларни қамраб олган бўлиб, унда Ўзбекистонда олиб борилаётган Парламент ислохотлари, икки палатали Парламентни шакллантириш, фракцияларнинг парламентдаги роли, партияларнинг сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди, шунингдек, хорж Парламентлари, янникса, Германия ва Европа парламентлари фаолияти хусусида фикр ва тажриблар алмашилди, деди у.

Конференция Конрад Аденауэр Фонди томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида 2 йилдан бери ўтказиб келинаётган Парламент ислохотлари бағишланган семинарларнинг мантйқий давомиди. Бундай семинарлар эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов томонидан олга сурилган Парламентни ислох қилиш ва икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги фикрлар асосида амалга оширилди.

Ушбу семинарларда барча вилоят ОАВда фаолият олиб бораётган журналистлар ҳам қатнашдилар. Парламент ислохотларини самарали амалга оширишда журналистлар катта роль ўйнайдилар, албатта. Чунки аҳоли ушбу ислохотларнинг йўналишлари ва аҳамиятини яхши тасаввур эта олиши лозим. Ушбу тадбирларни ўтказишда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳам фаол ёрдам берди. Ўтказилган семинарларда фаол иштирок этган сиёсий партиялар ва ОАВ вакиллари Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро конференцияга таклиф этилдилар.

Бундан ташқари конференция ишида жорий йилнинг апрель ойида Конрад Аденауэр Фонди таклифи билан Германия Федератив Республикасида бўлиб, бевосита немис Парламенти иши билан танишиб қайтган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутatlари, сиёсий партиялар етакчилари ва журналистлар ҳам иштирок этдилар.



Кеча Тошкентда яна бир халқаро анжуман — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламент фаолиятидаги роли: мавжуд тажриба ва тамойиллар мавзусидаги конференция бўлиб ўтди.

Конференция ишини Олий Мажлисининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Адхам Турсунов олий борди. Сўзга чиққан Олий Мажлис раиси ўринбосари Борис Исаганов Бугров икки палатали Парламентга ўтиш масалалари, яқинда бўлиб ўтган референдум ақуларни, бу борада олданда турган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Конференция иштирокчилари сиёсий партияларнинг сайловдаги дастури ва сайловчилар, Парламентда сиёсий партияларнинг фракцияларининг шакллантириш, сиёсий партиялар фракцияларининг Парламент фаолиятидаги роли каби уч йўналиш бўйича мажлис ўтказдилар. Мажлислар қизқаркли бахс ва мунозараларга бой бўлди.

Халқаро анжуман Европа Иттифоқи Комиссияси ТАЦИС дастури доирасида Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнларини ривожлантиришга қўмаклашиш лойиҳаси асосида ўтди.

Анжуманда халқаро ташкилотларнинг, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Европа мамлакатлари элчихоналарининг, сиёсий партияларнинг, турли идоралар ва олий ўқув юрталарининг вакиллари, чет эл ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Маҳалла — аҳиллик қўرғони

ҚАДАРЛАГАН — ҚАДАР ТОПАДИ

Кўпни кўрган кексалар маҳаллани бежиз ҳамжихатлик қўрғони деб айтмайдилар. Ватан ичра кичик бир ватан бўлиши бу нури маскан ҳақиқатдан ҳам кўпчиликни бирлаштириб, эзгу максadларга йўналтирилади. Пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги Юнусобод қишлоқ фуқаролар йиғинида «Дўстлик» маҳалласи бор. Унинг оқсоқоли Абдуфаттоҳ ака Абдуллаевнинг кўпчиликка бошчилик қилаётганига кўп бўлгани йўқ. Аммо Абдуфаттоҳ ака маҳаллани аҳиллик қўрғонига айлантириб, обод этишга бор куч-ғайратини сафарбар айламоқда. Биз у билан учрашиб, «Дўстлик»да қарор топган хайрли ишлар ҳақида сўхбатлашдик.

— Абдуфаттоҳ ака, аввало «Дўстлик» маҳалласи ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Юнусобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Дўстлик» маҳалласи Ф. Абдуллаев номида ширкат хўжалигининг ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг ер майдони 50,5 гектарни ташкил қилади. Маҳаллада яшовчи аҳолининг умумий сони 1981 кишидан иборат. Унда сўнгги пайтда 1 та мактаб ва болалар бочғаси, 2 та озик-овқат дукони, 1 та жомъе масжиди, 2 та сартароҳона ва чойхона, 1 та нововойхона ҳамда кутубхона, «Нон Азия» корхонаси ишлаб турибди. Маҳалла аҳолиси асосан ўзбеклардан ташкил топган. Бундан ташқари бу ерда қозоқ, татар, корейс, украин ва бошқа миллат вакиллари ҳам иштирок қилишди. Маҳаллаимиз аҳолиси электр энергияси, газ ва тоза ичимлик суви билан тўза таъминланган. Аҳолининг асосий қисми Ф. Абдуллаев номида ширкат хўжалигида деҳқончилик билан шуғулланган. Бир қисми нон заводиди ишлайди. Қолганлари Тошкент шаҳрида ишлашади.

— Бу йил — Қарияларни қадрлаш йили. Шу муносабат билан бу борада маҳаллада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Қарияларни қадрлаш

йилини, яъни 2002 йилни маҳаллаимизда кўтаринки руҳда ўтказаямиз. Белгиланган режаларимизга мувофиқ бу борада бир қанча ишларни амалга оширдик ва оширмоқдамиз. Янги йилнинг, яъни, «Қарияларни қадрлаш йили»нинг биринчи кунини маҳаллаимиздаги қарияларнинг бир гуруҳини ташкил қилади. Маҳаллада чойга таклиф этиб, улар билан қарияларни шарафлаш йилида қилинадиган ишларни режалаштириб олган эдик. Унга мувофиқ ҳар ойнинг охирига жума кунини маҳаллаимизда «Қарияларни қадрлаш кунини» деб эълон қилинди. Шу максadда ўзимиздаги чойхонада «Қариялар бурчағини» ташкил қилиб жўхазладик. Ҳозирда шу кунини ичтиладиган чой ва ейиладиган нонни қариялар учун бепул қилдик. Бу хайрли иш тез кунда қўшни маҳаллаларга тарқалди. Уни кўлаб-қувватлаб бизга бошқа маҳаллалардан ҳам ҳомийлар мурожаат қила бошлашди.

«Қарияларни қадрлаш кунини» чинакам байрамга айланиб кетди. Мана яқиндаги шундай тадбирга 60 дан ортик отахонларни таклиф этдик. Чойхонада уларга дастурхон яساتиб, ош тарқатдик. Шу кун отахонлар кеч-гача сўхбатлашиб, хордик чиқаришди. Улар 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб қарияларга шунчалар меҳр-муҳаббат улашайтган Президентимиз ва Ўзбекистон халқи шаънига дуолар айлашди.

Кейинроқ Ф. Абдуллаев номида ширкат хўжалиги раҳбарияти маҳаллаимизда яшовчи барча қарияларни йиғиб, Тошкент шаҳридаги Хотира ва шахидлар хибоналарига саёхатга олиб борди. Сўнг ширкат хўжалигининг маданият саройига та-



лиф қилишиб, дастурхон ёзишди. Халқимизнинг сезимли хонандалари улар ҳузурда катта концерт намойиш этишди. Бундан ҳамма мамнун бўлди. 1 март кунини эса маҳаллаимиздаги барча ёши улғу отахонларни гузарга йиғиб, дастурхонга ош тортидик. Ҳомийлар ўзлари келтирган гулдастали билан йиғилганларни табриклашди. 21-март ва 13-болалар бочғасида тарбияланаётган болалар иштирокда ташкил этилган дастурхонларга маъзур бўлди. Бу зиёфатни ташкил этган Ф. Абдуллаев номида ширкат хўжалиги иссиқхонаси ходимларига кўпчилик миннатдорчилик ихзор этди. Маҳаллий тадбиркор ўткирбек ташкил этган бир пиёла чой устидаги хордик айниқса ҳаммани қувонтирди. Илҳом Фармоновнинг концерт дастури ҳам отахон-у, онахонларнинг қалбига чексиз қувонч бағишлади. Бундан ташқари яқинда 30 нафардан ортик отахонларни Са-

марқанд шаҳрига ва Имом Ал Бухорийи зияратгоҳини зиярат қилиш учун юбордик. Кўни кеча Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани «Гулистон» ширкат хўжалигидан бизнинг маҳаллага келиб, тадбиркорлик ишлари билан шуғулланаётган Абдусамад

ўшлар ва профессор ўқитувчилар билан ишлаганим маҳалла ишида ишлашда жуда ҳам қўл келаяпти. Биз хозирги кунда Тошкент Аграр университетини ёрдамида қишлоқ болаларига битта компьютер хонаси ташкил қилишни мўлжаллаб туриб-

миз. Уйлаймики, бу ишда университет раҳбарияти бизни қўлаб-қувватлайди. Маҳаллада ўшлар билан бирга 140 дан ортик пенсионер қариялар ҳам иштирок қилишди. Уларнинг ҳар бири билан кўнглига қараб алоҳида иш олиб боришимиз. Ана шу ишларни режалаштириш ва бажаришда университетда орттирган тажрибаларим жуда қўл келаяпти.

Шу кунгача маҳаллада яшайдиган кам таъминланган оилаларга нафақа пули ўз вақтида бериб турилибди.

— Маҳаллада тўйлар қандай ўтказилмоқда? — Маҳаллада тўйларни ихчамлаштиришга келишиб олганмиз. Келин-куёв учун алоҳида ЗАГС маросими ташкил қилишни бекор қилиб, ўрнига келин тўй кунини кўёвнинг келганидан сўнг тўйга қатнашаётган меҳмонлар ва мезбонлар иштирокда ФХД (ЗАГС) дан ўтишяпти. Тўйдан кей-

ин ўтказилмайдиган чорлар, куёв чақириқлар ҳам йўқ қилинди.

Мустақиллигимиз мустақамланаверсин. Давлатимизнинг доғруи бутун оламга ёйилсин. Қарияларини эъзозлаган юрт ёшларининг эртаси доймо

порлоқ бўлади, бу юртининг раҳбарияти эса доимо иззат-ҳурматда, дуо остида бўлади. Бу ҳам Оллоҳнинг Ўзбекистонга ва унинг меҳнатқаш халқига бўлган марҳамати, деб ўйлайман. Истагим — юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин, халқимиз сосийшта яшаса, фарзандларимиз соғлом улғайса, ер юзиде бирорта ҳам террорист газанда қолмаса, осмонимиз мусаффо, маҳалларимиз обод бўлаверадилар. Бундан ортик бахт йўқ дунёда. Емон қўздан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Сўхбатдош: Ҳазратилло РЎЗИЕВ, «Адолат» мухбири. СУРАТЛАРДА: «Дўстлик» маҳалласи отахонлари ва онахонлари юртимиз зияратгоҳларида.

РОССИЯДА ЭНГ КАМ ИШ ҲАКИ МИКДОР И ОШИРИЛДИ

1 майдан бошлаб Россияда энг кам ойлик 300 рублдан 450 рублгача оширилди. Мутахассисларнинг эътирофи эътиҳад, бу барибир камбағаллар сонини камайтириш учун қамлик қилади. Шуниси эътиборга лойиқки, Россияда хозир оз бўлсада, ойлик иш ҳақи ва пенсиялар вақтида берилмоқда.

БИР ЙЎЛА ОЛТИ ФАРЗАНДЛИ БЎЛДИ Американинг Канзас штатида истиқомат қилувчи Сандра Хедрик исмли 33 ёшли аёлнинг яқинда кўзи ёриб, бирдан кўп болали онага айланди.

Гап шундаки, Сандра бир йўла 6 та бола туғиб берди. Уларнинг учтаси ўғил, учтаси қиз болалар. Шифокорларнинг таъкидлашича, туғилган 6 нафар чақалоқнинг ҳаммаси ўзини яхши ҳис қилмоқда. Чақалоқларнинг энг йиринги 1 кило 700 грамм тош босди. Энг енгил эса, 1 кило 100 граммдир. Сандра Хедрик бир йўла 6 та фарзанд қуришини замонавий асбоблар ёрдамида ҳомиладорлик пайтидаёқ билган. Шифокорлар эса, ўшанда туғишнинг қийин бўлади деб, болаларини олдириб ташлашни маслаҳат беришган эди. Лекин Сандра кўнмаган. Хозир бир йўла 6 фарзандлик бўлган она ўз қароридан хурсанд.

«КИЧИК ОЛИМПИАДА» ЯКУЛАНДИ

Фарғонада республика мактаб ўқувчиларининг «Умумий нихоллари» спорт ўйинлари нихосига өтди.

Ўқувчилар бир ҳафта давомида спортнинг 11 тури бўйича ўзаро баҳс олиб бордилар. Мусобақалар иштирокчилар учун унутилмас бўлиб қолди. Фарғона шаҳарининг марказий ўйингоҳида бўлиб ўтган тантанали ёпилиш маросимида ғолиб жамоаларга «Умумий нихолларнинг» совғалари топширилди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри ўқувчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — «Дамас» автома-



Малайзия манзаралари.

Яқин шарқдаги сўнгги воқеалар Фаластин мухторияти раҳбари Есир Арофатнинг Рамоллоҳдаги қароғоҳида Америка ва Буюк Британия дипломатлари у билан музокаралар олиб боришмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда улар Исроил ҳукумати талаб қилганидек, бир гуруҳ фаластинликларни халқаро назоратчиларга топшириш масаласини ҳал қилишяпти. Бунга жавобан исроилликлар Есир Арофат қароргоҳини қамал қилишини бас қилишлари ва беш ойдан бери уй қамоғида бўлган Фаластин раҳбарини эркин ҳаракат қилишига имкон беришлари лозим.

ЖАХОН БЎЙЛАБ 1 МАЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАРИ Австралия ва Германияда биринчи май муносабати билан намойишчиликлар билан полициячиларнинг тўқнашуви содир бўлди. Бошқа мамлакатлардаги маълумотлар бундай тартибсизликларга йўл қўймайди учун назоратни камайтиришга мажбур бўлишди. Австралиянинг Сидней шаҳрида отлик полициячилар норасий мухожирларни жойлаштириладиган маҳсус марказ-

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ларни бошқарадиган компания бизнеси олдида намойишчилар билан тўқнашдилар. Францияда эса президентликка даъвогар Жан-Мари Ле Пен бошлиқ Миллий фронт тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида тўқнашуво бўлди. Бу тўқнашувини бартараф этиш учун тўрт мингга яқин полициячи жалб этилди. Москвада ҳам коммунистлар ва касабга уюшмалари вакиллари намойишга чиқшди.

ИРОҚ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БИЛАН МУЗОКАРА УТКАЗМОҚДА Кеча Ироқ давлатининг нуфузли вакиллари билан Ироқ делегацияси Нью-Йоркда БМТ Бош қотиби Кофе Аннан билан учрашди. Сўхбатда Ироққа халқаро экспертларнинг қайтиши масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бир неча кундан кейин Тошкентга Корея Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Марказий депозитарийи делегацияси ташриф буюради.

2001 йилнинг декабрь ойида корейлик мутахассислар Ўзбекистонга иккинчи бор ташриф буюрдилар.

Шу ўринда ўзаро манфаатли иқтисодий ва дипломатик муносабатлар ўрнатилишига эга мамлакат - Ўзбекистоннинг илк шундай учрашуви жойи бўлганлиги ҳам мажозий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, 1974 йилда ташкил этилган Корея Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Марказий Депозитарийи (КМД) айни кунда дунёдаги йирик ва ривожланган Марказий Депозитарийлардан бири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жанубий корейлик ҳамкорларнинг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон Республикаси Қимматли Қоғозларнинг Давлат Марказий депозитарийи 2001 йилнинг сентябрь ойида Осие-Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари Марказий депозитарийларининг халқаро уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди.

Айни пайтда ташрифга тайёргарлик ишлари даярли яқунланди. Ташриф давомида айрим вазирлик ва маҳкамаларнинг раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ташрифнинг якуний қисмида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандумни имзолаш кўзда тутилмоқда.

Феруза РИХСИЕВА, жамоатчи муҳбир.

Хотира—қалбдаги ҳайкалдир

ЁНИБ ЯШАГАН АЛЛОМА

ёки икки халқнинг тафаккури тараққийига муносиб ҳисса қўшган олим ҳақида



Иқтимоий психологияда етакчи деган жуда муҳим категория мавжуд. У одамнинг ҳаммасига эмас, балки фақат айрим кишиларгагина хос бўлган ҳислатини белгилаб беради.

... Бир кун Султон Умаров тушликка уйга кетаётди, Тошкентнинг ҳозирги Амир Темир хиёбонидаги катта дўкон олдида бир мункайган, ғариб чолни кўриб қолади.

1941 йилда Тошкентдаги Педагогика институтига директор лавозимига тақдир этилди. 1942 йилда эса Урта Осие Давлат университетига ректор этиб тайинланди.

1942 йил куз кунларининг бирида Ўзбекистон олимларининг катта йиғини чарқилди. Махлис тўрида Усмон Юсупов, Абдуҷаббор Абдурахмонов ва бошқа раҳбарлар ўтиришибди.

Илмий очерк

Султон Умаровнинг ҳаёт йўли киска бўлса-да, лекин сермазун, серқирра ва ибратлидир. У 1908 йил 11 (24) августда Хўжанд шаҳридаги Чорбоғ маҳалласида хунарманд оиласида дунёга келди.

Султон Умаровнинг нутқи ҳаммага маъқул ва манзур бўлади. У илм-фан муаммолари, ривож ва истиқбол ҳақида ўзини хос, ажойиб фикр-мулоҳазалари билдиради.

1943 йил ноябрь ойида республика Фанлар академиясининг ташкил этилиши Ўзбекистон илмий ҳаётида воқеа бўлди.

1945 йилда у Урта Осие Давлат университетига иккинчи марта ректор этиб тайинланади.

Султон Умаров Республика Министрлар Совети Раиси ўринбосари ва Урта Осие Давлат университети ректори бўлиб ишлаган кезлари юқори малакали кадрлар тайёрлашни олдинги ўринга қўйди.

Султон Умаров табиатан гоёт жасур, тўғрисида бўлиб, Ватан ва миллат манфаатларининг ҳимояси ва ҳар ерда ҳимоя қиларди.

Олимжон НАЗАРОВ, журналист. (Давоми келгуси сонда).




Самарқанддаги «Зарафшон» нашриёти матбаачиликни ривожлантиришга муносиб улш қўшиб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: нашриётнинг масъул ходимлари Уктам Нисозов ва Суннат Жумакулов тайёрланган китоб сифатини кўздан кечиришмоқда; компьютерда харф терувчилар Гулнора Холдорова ва Гулнора Файзиевалар иш устида.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ олган суратлар.

ДИЛНИ ДИЛГА МЕХР БОҒЛАР



Мурод Раҳмон ҳаётнинг нозик, рангин қирраларини ўткир нигоҳи ила ҳис эта билган лирик шоир. Унинг теран мушоҳадалар, гўзал ташбеҳлар билан йўғрилган ҳассос шеърини аллақачон мухлислар қалбини ошурфта этиб улгурган.

ЙўЛЛАР АЙТАР ЁР-ЁР...

Ғичирлайди арава, йўллар айтар ёр-ёр, Ортада қолган боғим-у, гуллар айтар ёр-ёр.

Кўймадилар қўргали ёрими бир нафасга, Қейн қушдек элтарлар қайси «олтин қадасга»?

«Тилло, зарга алмашман» деган у ёр қайда? Мени излаб-ахтариб, қўмсайди ёр ироқда?

ЙИГИТ - Ҳаёт бўлур гулгун, фаровон, Яшнаб кетар - кўнглим чароғон...

КИЗ - Мехрингиздан - сўзлар асалдир. Кўнглингиздан - турмуш гўзалдир.

ЙИГИТ - Кўнглим асло ўзгани демас, Синовларда қадим бўқилмас.

КИЗ - Умр ширин бу қадар нечун? Билсам, дунёда сиз бор учун!

ИККАЛАСИ - Орау-тилак кўндир бебаҳо, Муродимиз - Вафодир, Вафо!

ЭНДИ ДИЛИМДА ЙЎҚСИЗ

Лойиқ кўрмай вафога, Эрк бердингиз жафого. Шох бўлинг ёр, Самога, Энди дилимда йўқсиз.

Мени кўрикланг чандон, Аммо қалбга йўқ кўргон. Ишким сўндирди ёлгон, Энди дилимда йўқсиз.

Майли, қилинг сиз роҳат, Қулиб боксин бахт-омад... Муродга тиланг бутак, Энди дилимда йўқсиз.

Мурод РАҲМОН.

ГУЛ БАҒРИДА ОТАШ БЎЛМАСА

Ёр ҳайдалиб, боғ бўлурми - қўшлар қўшга қўшилмаса? Қайиқ олга сузармиди - ошқаклар тенг эшилмаса...

Ширин табассум ўрнига - нечун қархли нигоҳлар? Беҳудадир оху, воҳлар, дилни дилга меҳр боғлар!

Ота лоқайд ёки мағрур - фақат ўзин уйлар бўлса, Она эса - тез арабда, ўзга бахтин қуйлар бўлса...

Тоқайгача шубҳа-ғумон, қачонгача аччиқ забон? Кучмай зафар, ошмай доvon, аразда ўтказманг даврон!

Умр ўзи қиска дарё, оқиб келмас экан тақвор... Тўрмуш деган нурхонага отанлар бор, отмаган бор.

Асл инсон бардош этиб, гам-азобга чидаб яшар... Агар нийон, ишонч йўқдир илму хунар ҳам бесамар!

Сен борсанки, бу олам гўзал, Сен борсан, ишқ дунёга машал.

Сен бўлмасанг, севги бесамар, Сен бор учун бахт, иқбол яшар!

Сен бўлмасанг, севги бесамар, Сен бор учун бахт, иқбол яшар!

Сен бўлмасанг, ҳаёт беқадр. Сен бор учун яшагин келар!

Сен-ла излар дўстлар бир-бирин, Сенда қўрдим қувончлар сирин!

Садокат! Садокат! Садокат! Садокат!

Шодлан, эй Кўнгли! (Кўшиқ)

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

Умр гулдай қисқадир, Ғамни қулиб қисқартир.

«01» оголантиради

ЁНГИНДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Кейинги маълумотларга қараганда жойларда содир бўлаётган кўпчилик ёнгинларнинг асосий сабабчилари богча ва мактабларнинг бошланғич синфлари доирасидаги кичик уйл-кизилар бўлиб чиқмоқда. Уларнинг эхтиётсизлиги, қаровсиз қолганлиги оқибатида ёнгин катта хавф-хатарга айланиб, қатор оилаларга моддий зарар келтиряпти. Шунинг учун олиб олиш зарур бўлиб чиқмоқда. Уларнинг эхтиётсизлиги, қаровсиз қолганлиги оқибатида ёнгин катта хавф-хатарга айланиб, қатор оилаларга моддий зарар келтиряпти. Шунинг учун олиб олиш зарур бўлиб чиқмоқда.



Сўзсиз сурат

да ёнгин содир бўлиб, айрим фуқароларнинг ҳаётига катта хавф туғдириб қолди.

Азиз болажонлар! Сизлардан мактаб ва ўз уйингизда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъиян риоя қилишини сўрайман. Бу сизларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан биргаликда ота-онангизнинг не-не йиллардан бундан пешона тери тўкиб қилган меҳнатлари эвазига орттирган мол-мулки ва у орқали юзага келган жамиятимиз бойликларини асраб қолган бўласиз».

Мақzur мувожаатнома айтиб бериб, таълим берган мактаб ва болалар боғчаларида кенг ўрганиб чиқилади, зарур чора-тадбирлар қўйилмоқда. Энг муҳими эса болаларнинг эхтиётсизлиги оқибатида содир бўлаётган ёнгинларнинг олдини олишга нисбатан қўйилган яна бир муҳим кадамнинг юзага келганидир.

Одил ХОЛХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ ЎХБ назоратчиси.

Туманимизда ўтган тўрт ой мобайнида 28 та ёнгин содир бўлди. Бунинг оқибатида салкам ярим миллион сўмликдан ортиқ моддий зарар етказилди. Таҳлиллар ўтган йилга нисбатан содир бўлган ёнгинларнинг нисбатан камлигини кўрсатмоқда. Аммо икки кишининг тан жароҳати олиб, бир кишининг ҳалок

бўлганлигини асло кечириб бўлмади.

Таҳлиллар шунинг кўрсатаётгани, ёнгинлар асосан ёш болалар ўртасида, қаровсизлик оқибатида рўй бермоқда. Уларнинг гуфурт ўйнаши, сизарет қолдиқларини титкилаши натижа-сида, қолаверса, қаровсиз электр асбобларини ўйна-шмичаллик билан ўйнаш-лари натижасида жойлар-

Дунё нигоҳи билан
ЎЗБЕК РАССОМИНИ
ФИЛАДЕЛЬФИЯДА ОЛҚИШЛАШДИ

Таниқли рассом, Ўзбекистон Бадий академияси Самарқанд вилояти бўлими раиси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Калонов Америка Қўшма Штатлари бўйлаб уюштирилган ижодий сафардан қайтиб.

Ўзбек рассоми АКШга Филладелафия шаҳри картиналар галереяси тақлифига мувофиқ ташириб берилган эди. Жаҳондаги машҳур ижодкорлар асарлари намойиш этиладиган мақzur кўргазма ва гал тўласинча Нуриддин Калонов иштироғида бериб қўйилди. Самарқандлик

мусаввир бу ерда 20 кун давомида она табиат, Ватан ва тарихий ёдгорликлар мазмунидаги ранг тасвир ва графикани оид юзасидан ортиқ картиналари ҳамда қоғоққа иланган миниатюраларини томошабинлар ҳўқмига ҳавола этди. Филладелафия шаҳри телсвидениеси эса ўзбек рассомининг бой

дунёқараши ва ижодий фантазиясини умумлаштирган махсус кўрсатув намойиш этди.

Қисқаса, ўзбек рассомининг АКШдаги ижодий сафари гоят муваффақиятли ўтди. Унинг шахсий кўргаз-маси минглаб мухлислар-ни ҳавас ва ҳайратда қолдириб, халқаро галерея-нинг энг яхши асарлари учун бериладиган дипломи билан мукофотланди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» ўз муҳбири.

Луқма
ЭРИНЧОҚЛИКМИ ЁКИ ЛОҚАЙЛИК?

Редакциямизга Шайхонтоҳур тумани, Гулобод кўчасида истиқомат қилувчи пенсионер Турсунбой Мансурова мурожаат қилиб, телефони бесабоб ишламаётгани, бир неча бор Тошкент телефон тармақларига қарашли 42-АТСга қатъиян берилган сарсон бўлгани, бир ойдан бери телефони синалганлигини ҳақиқатда кўриб қолганини айтиб берди.

Албатта, телефон қарияларнинг энг яқин кўмакдошидир. Биз шу заҳоти керакли ташиқлотга мурожаат қилдик. Бунинг қарангки, онахон неча бор қатъиян берилган сарсон бўлибдилар, бизнинг кўнгилоримиздан сўнг ўша кўникёк телефон симини улаб беришибди. Бу нимадан далолат беради?

Кўни кеча Т. Мансурова яна хат йўллаб шундай ёзибдилар:

«Хурматли «Адолат» жонқурларини, сизларнинг аралашувиңиз туфайли телефонимиз яхши ишлаётган бўлди. Бирок хурсандчилигимиз узоққа бормади. Батамом бузилмаган бўлса-да, керакли манзилга номер терсангиз, икки-уч киши жавоб беради. Турли гап-сўзлар аралаш-қуралаш айтилиб, ҳамманинг асабини бузади. Нафақат бизнинг телефон бошқа қўшилариники ҳам на ўқилган, на буюқлик. Тармақдагиларнинг гапига қараганда симлар эскириб, алмаштирилиши лозим экан. Бунинг учун маблағ керак эмиш. Шу сабабли яна сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Ахир телефон ҳақинини вақтида тўлаб турсангиз...»

Онахоннинг шикоятини алоқа тизими раҳбарлари диққатига ҳавола қилдик. Фан-техника, компьютерлаштириш ривожланиб бораётган даврда, наҳотки, фуқаролар телефони тўлалигича таъмирлаш учун керакли чора қўрилмасин?

«Қаловини топсанг, қор ёнар», дейдилар. Яқинда шунга ўхшаш яна бир воқеа бўлган. Мирзо Улуғбек туманидаги тўққиз қаватли уйда яшовчи қариялар лифтининг икки ойдан бери ишламаётгани, яёв тушиб-чиқвериб, соғлиқлари кетаётганидан шикоят қилишган. «Тош-лифтремонт» ташиқоти раҳбарлари ҳам маблағни рўқач қилишган экан. Керакли идорага шикоятчилар арзини етказдик. Шу кўнингиз ўзи-даёқ ушбу лифт тўзатилиб, бир гуруҳ қарияларнинг кўнгли шод бўлди.

Бу мисолларни изоҳлашдан мақсад шунки, нега баъзи мутасадди ходимлар оддий шикоятчиларнинг арзини ҳал қилиш мумкин бўлса-да, расмийликча-кач етиб бордилар. Бу эринч-чоқликми ёки лоқайлик?

Раёно МАХМУДОВА,
«Адолат» муҳбири.

● 2002 йил— Қарияларни қадрлаш йили



Оталар, очингиз фотиҳага қўл, Юртимиз тинч бўлсин, ҳаёт фаровон. Осмонимиз тиник, юлдузлар биллур, Истиклал кўшиғи янграган замон.

Оналар, очингиз фотиҳага қўл, Улғайсин гап кўрмай келажак авлод. Хар бир миллат шодон бериб қўлга-қўл, Юртининг хар гўшасин айласин бод.

Оталар, очингиз фотиҳага қўл, Келинлар кўзида бўлмасин гусса. Йигитлар олмасин қўлга қурол, Етимлик гуссасин тотмасин бола.

Оналар, очингиз фотиҳага қўл, Улуғ юртбошимиз бўлсин деб омон. Далалар яшасин ҳосил бўлсин мўл, Хар инсон төр тўксин бўлибон боғбон.

Ҳажар НОРМАТОВА,
Қибрай тумани Байтўғронт қишлоғи.

ҲИҚМАТЛАР

- Қўрқоқнинг жанжалли узок бўлади.
- Бировни қўрқитмаган бировдан қўрқмайди.
- Кучли одамларга ярашмай-диган иш— қучсизлардан қасос олиш.
- Оқилларнинг қуроли— шикоятдир.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 30 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия кўрсаткичи ва бошқа ҳисоботларини юритиш, шунингдек, бошқа тўловларни учун қўрилган валюталарнинг бўғай нисбатан қийматини белгилади. Шунга қўра:

- АКШ доллари 710 сўм 57 тишин.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҒУЛОМАҲМУДОВ, А. ЖҲРАБОВ, Р. З. АҲМАДИЛОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, М. МУЙДИНОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У. Ф. ЖҲРАБОВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОҲОНОВ, Д. Ф. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТҲРАҚУЛОВ (Ўз муҳбири).**

Мулҳоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Котибият — 136-55-96.
Факс: (8371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Жиноят ва жазо

Шу сафаргиси билан Шавкат Примқулов бешинчи марта озодликдан маҳрум этилиши. Дастлаб, 1991 йил 5 йилга қамалди. Лекин бундан ҳулуоса чиқариш ўрнига ҳурмача қилиқларини давом эттиривари. 1995 йили икки ой, 1996 йили беш йил, 1999 йили саккиз йилга тиканли сим ортига раво-на бўлди. Бундай олиб қарасанди, умрининг энг гуллаган пайтлари қамокда ўтди. Бу ёғига Шавкат учун жиноят содир этиш арзимас одат тусига кириб қолди...

Шавкат қамокда ўтирган-да президентимизнинг 2001 йилнинг 22 августдаги «Аминистия тўғрисидаги» Фармони жонига оро кирган эди. Юз бора қасамлар ичиб, ўтган йилнинг 21 октябрда жазодан озод бўлиб, яқинлари бағрига қайтди. Ушундан у энди одамларга ўхшайман, дея ўзига-ўзи сўз берган эди. Аммо тарки одат амри мэхол, деганларидек, жинзаклиги, енги-таклиги бу сафар ҳам унга панд берди.

Шу йилнинг 6 январь кечаси жиндек майхўрлик қилиб қўчага чиқди. Ҳавл билан Узун туман марказидаги деҳқон бозори олдига келиб қолди. У ерда қира-қаш автоловчилар қундалик тирикчилик юмуши билан

тушинглр., Мен қира қилиш керак. Ғалваларинг ўзилайга сийлов, — деди-да, иккинсини танҳо қўчада қолдириб кетди.

Шавкат Алишерни катта йўлдан пиедалар йўлакчасига олиб ўтди. Улар анча талашшиди. Шавкат Алишерни уриб йикитди. Жаҳл устида тўғри келган жойига аямасдан мушт туширар, қотқоқдек қилиб тенқиларди. Ниҳоят, рақибини чўқилтириб, қўчада ташлаб кетди. Алишернинг бўйин суғири синини нафас олиши тобора қийинлашарди. Шу аснода у жон таслим қилди.

Тонг ёришди. Кўчалар яна одамлар билан гаужумлашди. Карим Аҳтамов дарвозасини очиб қўчага чиқмоқчи



мижоз қутитарди. Шавкат «ВАЗ-2103» русумли давлат белгиси 19 Д 65-47 авто-улов олдига келиб:

— Оғайни, «Гулистон» ширкатлар жўжаллиги бориб келмаймизини? — деб қолди ҳайдовчи Абдулло Ҳолова.

Фалокат содир бўлган-деса, оёқ остида экан, У орқаси билан машинадан туш-ваганида аёл кишининг норози овозини эшитди.

— Вой, оёғим, — деди аёл чийиллаб.

— Оёқинг тағдида нима бор? Қаяқдан билибман орқамда одам борлигини. Қўриб турибсиз, машинадан тушаяман, нарироқ турсангиз бўлмайми? — деди Шавкат.

— Шу топ аёлга бу гап ёқмади, шек қилиб, сайрай қолди.

— Орқанга қарасанг, ўласан-ми? Қўримсан? Хар қалай орқанга кесак турмагандир... Фу, ичганмисан, нима бало?... Э-э, бор, бор! Сенинг билан тортишиб ўлибман-ми?!

— Узингдан кетма. Еқангни хидлаб гапир... Қўчада ивирисиб юришинингало бало борми, шу пайтада? Санга ким қўйипти, уканг тенги билан қўча кезини.

— Қўчилла Саидмуродова Алишерни орқа қилиб била-ланд келди.

— Ким билан юришин билан сенинг нима ишин бор? Нега шашхиятига тегасан?

— Кичкинагина жанжалга Алишер Меликов бензин сепди. Энди у Роҳилани рўй-рост химоя қилишига ўтди. Сичкондек гавдаси билан мушукдек савлат тўкиб турган Шавкатга қўқрағини қалқон қилиб, керилиб машинадан тушди.

— Қўйингдан бекорга қўзғалдинг, — дея оголтан-тирдид Шавкат.

— Игит бўлиб бир аёлни химоя қилолмасам, менам юрган экман, — деди Алишер энг шимариб.

— Бекорга жимига тега-апролига ҳады қилма. Бунга-мас, бола-чақанга керак бор.

— Болаларининг ташви-ши сенга оғир тушмасин. — Афсуслансан бола, лекин кеч бўлади-да!

— Уш оқшом Роҳила билан Алишерлар ҳам Шавкатдан кам эмасдилар. Бобожурод Омонов жамоа жўжаллигининг марказигадои тоғаси ишлаётган ресторанда анчагина утиришиб, қўнғилхушлик қилишган. ёб-ичганлари кўп эмас, беш мингги ташкил қилган. 2500 сўм тўлашиб, 2500 сўм насига қоладиган бўлди. Нима, тоға-зиян ўртасида икки ярим минг сўм пулими. Узди!

Шавкат билан Алишер гаплагани ҳолис жойни ташлашди. Машинага ўтириб, ҳайдовчига сўнгги мақсадига тегади. Машинасини таққа тўхтабти:

— Қани, икканлар ҳам машинадан туш. Жонга тегиб кетдиларинг-кў! Ана, катта майдон! Бир-бирининг ним-талаб е! Фақат машинадан

Ашур ХОЛТЎРАЕВ,
Узун тумани жиноий ишлар бўйича суд раиси.
Турсун МАҲМАДИЕВ,
«Адолат» муҳбири.

● Газетаниннг наватдаги сони 11 май кўни чиқади.



Муассис:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сибсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Мулҳоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Котибият — 136-55-96.
Факс: (8371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Ғ—400, Ҳажми—2 табок, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси бошемоҳнасида чоп этилди.
Қорхона мазнади: «Буюқ Турон» кўчаси, 41.

Наватчи— Илхом СИДДИКОВ | Саҳифаловчи— Бахтиёр ҚҲШОҚОВ
Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга тошириш вақти—20.00. Босишга тоширилди 20.00.